

**“Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти
акциядорлари диққатига!**

“Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 29 июн куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11⁰⁰ да Когон шаҳар, Пахтакор кўчаси 1-уйда жойлашган “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари соат 10⁰⁰ рўйхатга олиш бошланади.

Жамиятнинг электрон манзили: info@kogonpaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2022 йиллик ҳисоботини ва 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш. (Иловадаги рўйхатга асосан).
14. Жамият томонидан 2022 йил давомида амалга оширилган хомийликларни тасдиқлаш ва жамият харажатиغا олиб бориш.
15. Жамият томонидан 2016-2017-2018-2019 йиллар якуни бўйича ҳисобланган, бироқ бугунги кунда акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган 6 226 498 сўмлик дивидентларни акциядорлик жамияти фойдасига олиш.
17. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 03 июнь 2023 йил ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 23 июнь 2023 йил ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган)

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Когон шаҳар, Пахтакор кўчаси 1-уй, электрон почта: info@kogonpaxta.uz, тел: 98-180-13-33.